

ЎЗБЕКИСТОНЛИК “МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ МОЛОТОВ ВИЛОЯТИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада Иккинчи Жаҳон уруши даврида саноат ва қурилиш корхоналарини ишчи билан таъминлашда “меҳнат армиячилари” кучидан фойдаланиш амалиёти Молотов вилояти мисолида таҳлил қилинади. Ҳозирги Перм ўлкасида чоп қилинган архив ҳужжатлари тўплами асосида ўзбекистондан сафарбар қилинган меҳнат армиячиларининг тарихи, тақдири, уларни сафарбар қилиш, яшаш шароитлари, таъминоти, иш самарадорлиги каби масалалар талқин қилинади.

Калит сўзлар: Иккинчи Жаҳон уруши, Молотов, сафарбарлик, “меҳнат армияси”, тарқатиш, фаолият, меҳнат, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, шароит, таъминоти, самарадорлик.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТРУДОАРМИЙЦЕВ УЗБЕКИСТАНА НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ МОЛОТОВСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация. В статье анализируется практика использования силы трудармейцев для обеспечения рабочих рук промышленных и строительных предприятий в годы Великой Отечественной войны на примере Молотовской области. На основе сборника архивных документов, опубликованных на территории современной Пермской области, анализируются история и судьба трудармейцев, мобилизованных из Узбекистана, их мобилизация, условия жизни, обеспечения и производительность труда.

Ключевые слова: Вторая мировая война, Молотов, мобилизация, «армия труда», распределение, деятельность, труд, производство, промышленность, строительство, условия, снабжение, эффективность.

ACTIVITIES OF UZBEKISTAN LABOR ARMY WORKERS AT INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE MOLOTOV REGION

Annotation. This article analyzes the use of labor army soldiers to provide labor for industrial and construction enterprises during the Great Patriotic War, using the Molotov region as an example. Based on a collection of archival documents published in what is now the Perm region, the article examines the history and fate of labor army soldiers mobilized from Uzbekistan, their mobilization, living conditions, support, and labor productivity.

Keywords: World War II, Molotov, mobilization, “army of labor”, distribution, activity, labor, production, industry, construction, conditions, supplies, efficiency.

Тарих бу шунчаки фактлар ва саналарнинг жамланмаси эмас. У инсон табиатини, унинг мақсад ва интилишларини очиб берувчи, таҳлил ва мулоҳаза қилишни талаб қилувчи илмдир.

Тарих – вақтнинг ғаройиб ҳикоячиси, инсоният руҳининг очилмаган қирраларини намоён этувчи юксак бир фан. Унинг моҳиятига чуқурроқ назар ташласангиз, миллатларнинг ҳаёти, давлатларнинг пайдо бўлиши ва қулашидан тортиб буюк воқеаларнинг сирли нуқталарини ёритувчи яширин ҳикматлар кўзга ташланади. Тарих орқали биз жамиятни тўлақонли англаймиз, ривожланиши ва заволга юз тутиш қонуниятларини идрок этамиз.

XX аср тарихи айнан инсон тафаккурини чалғитадиган, тўғрироғи эсанкиратадиган ҳодисаларга “бой” бўлди. Бир асрда иккита Жаҳон уруши юз берди ва миллионлар инсонларнинг умрига зомин бўлди. [1;10]

Иккинчи жаҳон уруши ўзининг машъум воқеалари, жанглари, халқларнинг изтироблари билан тарихда қолди. Айнан шу даврда миллионлаб инсонлар фронтга, фронт ортига ҳамда ҳарбий саноат ишлаб чиқаришга оммавий сафарбар қилинди.

СССР Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли “маҳфий” қарори билан Ўзбекистондан 150 мингдан ортиқ юртдошлар собиқ Иттифокнинг узоқ ўлкаларидаги юзлаб саноат корхоналарига “қора ишчи” сифатида сафарбар қилинди. Шундай ўлкалардан бири Молотов (ҳозирги Перм) вилояти бўлиб, 1943 йилнинг 16 сентябр ҳолатида Молотов вилоятида жами **12 692** нафар Ўрта осиелик меҳнат армиячиларининг **8457 нафари ўзбекистонлик** эди. [2;465]

2021 йилда Пермда чоп қилинган ҳужжатлар тўпламида 1941-1945 йилларда меҳнат армиячиларининг фаолиятига оид 152 та расмий ҳужжатларнинг 40 таси Ўрта Осиё республикалари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон)га бағишланган. [2;373-498] Ушбу ҳужжатларга таянган ҳолда, ўзбекистонлик меҳнат армиячиларининг Пермдаги фаолиятини ёритиб беришни мақсад қилдик.

Меҳнат армиячиларининг сафарбарлиги

Молотов вилояти Соликам шахрига сафарбар қилинган ўзбекистонлик ишчилар фаолияти ҳақидаги маълумотномада худуддаги корхоналаридаги ҳолат расмийлаштирилган. Жумладан, калий комбинати ва “Магнитстрой” корхоналаридаги 159 нафар ўзбекистонлик 1941 йилдан буён ишлаганлар ва улар асосан 1921-1923 йилларда туғилганлар бўлган. 1943 йилнинг 25 июнида Наманган вилоятидан қўшимча 276 ишчи сафарбар қилинган. Уларнинг барчаси 40 ёшдан ошганлар бўлиб, иқлим шароитларига мослашишда қийинчилик туғдирган ва натижада 10 июл ҳолатида 3 ишчи вафот этган, 8 нафар ишчи жисмоний яроқсиз деб топилиб қайтариб юборилган. Шунингдек, 1943 йилнинг 26 февралда Самарқанд вилоятининг Ургут, Ғаллаорол, Самарқанд шаҳарларидан жами 347 нафар ишчи Соликам калий комбинатига сафарбар қилинган. 5 ишчи йўл давомида ва 4 ишчи етиб келиши билан вафот этган. 269 нафар ишчи тиббий кўриқдан ўтказиш учун рўйхатга олинган. 1943 йилнинг март ойида №577-сон заводга етиб борган 419 нафар ишчи Қашқадарё вилоятининг Косон ва Ғузор туманларидан эди. 1943 йилнинг 10 июлгача бўлган даврда улардан 45 нафари вафот этган, 90 нафари тиббий хулоса олиш учун Ўзбекистонга қатариб юборилган.

1943 йилнинг 29 июл ҳолатида Молотов вилояти Губахин шахридаги Калинин шахтасида 481 нафар ўзбекистонлик бўлиб, уларнинг 255 нафари ер усти очик шахтасида ва қолганлари ер остида ишлаганлар. Ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг фаолияти намунали баҳоланиб, мунтазам режаларни бажариб келганликлари шаҳар партия қўмитаси йиғилишида алоҳида эътироф этилган. Жумладан, Маткаримов, Муротов, Ўрозовлар режаларни 115 фоизга, Мабобоев, Отмешязов, Нурмонов, Бектурғунов, Уирдеянов (Мирдевонов бўлиши мумкин – Х.Қ.), Жаймуротовлар 270 фоизгача бажарганлар.

Гремячинский шахтасида эса 167 нафар ўзбекистонликлар бўлиб, аксарияти ер ости ишларига жалб қилинганлар. Ишчилар учун маиший таъминоти қониқарсиз бўлиб, иссиқ кийимлар билан таъминланмаган, тиббий хизмат деярли кўрсатилмаган. Бунинг оқибатида касал бўлган ишчилар ҳолидан хабар олинмаган ва улар бир неча кунлаб ётоқхоналарда қолиб кетишган. Жумладан, 1 та ётоқхонада яшовчи Аллаёров (20 кун), Танишев (1 ой), Мадиеёровлар каби 12 нафар ишчиларга тиббий хизмат кўрсатилмаган. Шунингдек, Чкалов номли шахтада ишлаётган 250 нафар ўзбекистонликнинг 30 нафари оғир шароитлар туфайли ишдан қочиб кетишган эди. Чунки, 190 нафар ишчининг ер остида (60 нафари ер устида – Х.Қ.) ишлаши учун шароитлар яратилмаган. [2; 425, 426, 444, 450.]

Турар жой ва таъминот

Молотов вилояти Куйбишев шахталари трестида ишлаётган ўзбекистонлик ишчилар 2 қаватли ғиштдан қурилган уйларга жойлаштирилганлар. Хоналар нисбатан иссиқроқ

бўлиб, ёғоч кароватлар ҳамда тўшак билан таъминланган. тўшаклар ҳар 3 ойда алмаштириб турилган.

Скальнинский шахталарида ишловчи меҳнат армиячиларининг яшаш шароитларини 1943 йилнинг 14 майдаги маълумотномадан билиш мумкин эди. Жумладан, 1942 йилнинг октябр ойидан 1943 йилнинг 1 май ҳолатида 88 нафар қозоғистонлик меҳнат армиячилари ушбу шахталарда ишлаш учун сафарбар қилинган. Уларнинг 13 нафари ўзбек бўлиб, №90-сон заводда ишлаганлар. Ўзбеклар 3-сон ётоқхонага жойлаштирилган бўлиб, улар билан 49 нафар қозоқ миллатига мансуб ишчилар ҳам бўлган. 1943 йилнинг мартида ўзбеклар ва қозоқлар алоҳида турар жойларга жойлаштирилиб, уларнинг оралик масофаси 2 километр, иш жойи эса 4,5 километрга етган. Ўзбеклар 46-52 ёш атрофида бўлишган. Улар яшашган ётоқхоналар нисбатан яхши бўлиб, фаррошлар фаолияти йўлга қўйилган. Ётоқхонада ёритиш тизими тўлақонли бўлмасада, яқинда таъмирланган ва деворлари оқланган эди. Ўзбеклар жойлашган ётоқхоналарда чорпоя ва яқин бўлган Половинка посёлкасида ҳаммом ҳам бўлган. Аммо, ишчиларни чойшаб билан таъминлаш қониқарсиз бўлиб, ўзлари кийиб келган чопон ва пўстинларга ёпиниб ётишган. Фақатгина 10 май ҳолатига келиб чойшаб ва тоза тўшак билан таъминланганлар.

Ҳарбий аслахалар ишлаб чиқарувчи №54-сон заводда (Молотов вилояти Нитва шаҳри – Х.Қ.) ишловчи ўзбекистонликлар жойлашган бараклар 2 қаватли кароватлардан иборат бўлиб, ҳар бир хонага 16 ўрин жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир киши учун 1,87 квадрат метр жой ажратилган. Бу эса эркин яшаш учун имконсиз ва заводдан 1,5 километр узоқликда эди. Бироқ, маиший таъминот бошқа ётоқхоналарга нисбатан бироз яхши бўлиб, турар жойлар тоза, 2 та қўл ювадиган ва сув қайнатадиган мосламалар, ошхона, турар жой ёнида 20-25 кишилик ҳаммом мавжудлиги, бундан ташқари сратарошхона ва кир ювиш хоналари ҳам шай қилинганлиги ишчилар учун қулайликлардан дарак берарди. Шунингдек, ишчиларнинг ич кийим, кўрпа-тўшак, чойшаб, ёстик, оёқ-кийим таъминоти ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, капитал қурилиш бўлимида ишловчилар учун 65 дона қалин куртка, 65 дона иссиқ шим, 65 жуфт валенка, 138 дона ёзги ишчи кастюм, 127 жуфт оёқ кийим, 7 дона ярим пальто ва бошқа ашёлар тарқатилган.

Шунингдек, 1943 йилнинг 5 март ҳолатида №98-сон заводга 19 ёшдан 60 ёшгача бўлган 400 нафар ўзбекистонликлар сафарбар қилинган. Улар заводдан 2 километр узоқликдаги 105-худудда жойлашган ва 2 қаватли ётоқлардан иборат баракларга жойлаштирилганлар. Бир жон бошига 2,1 метр квадрат жой тўғри келганлиги яшаш учун ноқулай эди. Шунингдек, тўшак билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли 50 нафар ишчи ўз палтолари устида ётишга, 70 нафар ишчи эса кийимларидан кўрпа сифатида фойдаланишга мажбур бўлишган. Ишчиларнинг аксарияти иссиқ шим билан таъминланмаганлиги оқибатида ўзлари кийиб келган шимларда ёки юпун ички кийимларда ишлаган. Кийим жовонларининг йўқ, ҳаво алмашинуви яхши бўлмаганлигидан кана ва битлаш азоби ҳам мавжуд эди.

Молотов вилоятининг “Кизелугол” ва “Коспашугол” шахталарига сафарбар қилинган ўзбекистонликлар учун турар жойлар тайёрланмаган ва яроқсиз ҳолда бўлган. 24-сон шахта ишчилари учун ётоқ кароватлари бўлмаган, 33-сон шахтада эса бараклари зах бўлиб, полларда сувлар сизиб чиққан бўлса, 32-сон шахта ётоқхонасидаги нобоп шароитлар туфайли ишчиларининг 20 нафари қочиб кетган. Бундан ташқари ишчиларга техника хавфсизлиги қоидалари тўлиқ тушунтирилмаганлиги сабабли ўлим ҳолатлари кузатилган. [2;410, 417, 428]

Калинин шахталарига сафарбар қилинган 481 нафар ўзбекистонлик (жумладан қорақалпоғистонликлар ҳам – Х.Қ.) меҳнат армиячилари №4, №12, №49-сон ётоқхоналарга жойлаштирилганлар. Ишчилар асосан шахталарда ишлаганликлари учун тўшаклар доимий кир ҳолатда бўлган ва муддатида алмаштирилмаган. Аксарият ишчилар ер остида ишлашларига қарамай ёритиш тизими яхшиланмаган, ёритиш воситабалари билан таъминланмаганликлари учун қоронғу ҳолатда ишлашга мажбур бўлишган. Шунингдек, Гремячинский шахтаси ишчилари учун ҳам турар жой шароитлари яхшиланмаган.

30 Ишчилар баракларга жойлаштирилган бўлиб, 167 нафар ишчига 42 дона тўшак ажратилган холос. Сув қайнатиш имконияти яратилмаган, кийимлар учун жовонлар йўқ, ётоқ жойларини тозалаш учун масъул ажартилмаган. Бу икки шахтага яқин бўлган Чкалов номли шахта ишчилари (250 нафар ўзбекистонлик – Х.Қ.) учун эса ётоқхоналар намунали тайёрланган бўлиб, деярли ҳеч нарсадан эътирозлар кузатилмаган эди. [2;447-449]

Куйбишев шахталари трестида ишлаётган ўзбекистонликларга 1942 йилнинг июнь ойида 53 дона ишчи кастюми, 47 дона бош кийим, 108 жуфт ичкийим, 100 жуфт қўлқоп, 5 та иссиқ шим, 131 жуфт оёқ кийим, 153 та пайтова тарқатилган. Молотов вилояти Александровк районидаги машинақурилиш заводида 1942 йилнинг 12 апрел ҳолатига 141 нафар ишчининг 34 нафари қозок, 33 нафари қирғиз, 6 нафари ўзбек, 68 нафари корейс миллатидан бўлган. Ишдан қочиш, ҳибсга олинмиш, вафот этиш ва бошқа сабабларга кўра 1943 йилнинг 20 март ҳолатида ушбу корхонада 76 нафар ишчи (2 нафар ўзбек – Х.Қ.) қолган. Ушбу ишчилар асосан, ариқ ва ер қазииш, вагонларга юклаш ва тушириш, дурадгорлик билан шуғулланишган.

Шунингдек, Молотов вилоятидаги ҳарбий аслахалар ишлаб чиқарувчи №54-сон заводнинг №1-сон цехида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик меҳнат армиячиларининг ишга келиб-кейтишларида муаммолар кузатилган. Жумладан, Жўраев 7 куннинг 6 тасида, Шонаев 7 куннинг 4 тасида, Шокиров эса 7 куннинг 3 кунида ишга чиқмаган. Уларнинг ишга чиқмаслик сабаблари сўралганда, бош табел юритувчи уларни ошхона атрофларида юришибди, деб жавоб қайтарган. Аслида эса, уларнинг оёқ кийимлари бўлмаганлиги сабабли ётоқхоналардан чиқа олмаган эдилар. [2;394,408]

Соликам, Нитва, Кизеловск каби Губахин шахридаги корхоналарда ишловчи ўзбекистонлик учун моддий-маиший таъминоти талаб даражасида бўлмаган. Ҳатто, 1943 йилнинг 5 июлида Губахин шахрида ўтказилган йиғилишда “Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондан кўмир шахталарига юборилган ишчиларни киш фаслида кийим-бош билан таъминлаш ишлари тўғрисида”ги масала кўриб чиқилган. Унга кўра партия масъуллари, шахта ва корхоналар раҳбарлари Мудрик, Костюк, Абариков, Циганов, Науменко, Насибуллин, Мордвинов, Цикк, Дубинин, Костенков ва бошқаларни меҳнат армиячилари юборилган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондаги уйларида юбориш ва шахсий киш кийимларини олиб келиш топшириғи берилган. Уларни олиб келиш учун Ўзбекистон МКдан етарлича вагон ажратилиши сўралган. Завод раҳбарияти эса ишчилар учун оёқ ва бош кийим тайёрлаш учун масъул қилиб белгиланган.

Ушбу хулорсадан тартиб қоидалар бўйича завод раҳбарияти таъминлаши лозим бўлган кийим-кечаклар меҳнат армиячиларининг ўз уйларида шахсий кийимларни олиб келиш билан қопланганлигини англаш мумкин.

Меҳнат шароитлари

1943 йилнинг 19 феввалида Молотов вилояти Березинский шахрида фаолият олиб бораётган ўзбекистонликлар ҳақида расмийлаштирилган ҳужжатда иқлим шароитларнинг тез-тез ўзгариши натижасида кимё саноати ва қурилиш ишларига сафарбар қилинган ўзбекларнинг касалланиши ва ўлим ҳолатари кўпайганлиги қайд қилинган. Жумладан, Березников шахрида жами 303 нафар ўзбекистонликлар сафарбар қилинган бўлиб, феврал ойининг шу кунига келиб 157 нафар ишчи қолган. Уларнинг 99 нафари соғлиги ёмонлашганлиги сабабли ортга қайтариб юборилган, 14 нафари вафот этган, 50 нафари бетоблиги туфайли ишга чиқмаган. Улар ишлашни жуда ҳохлашлари, аммо иқлим ўзгаришларига дош беролмаётганликлари уларга халақит қилган. Ўзбекларнинг ишчанлигини кўрган Кимё саноати халқ комиссарлиги янада кўпроқ ишчиларни жалб қилишни таклиф қилганди, завод раҳбарияти ишчиларнинг иқлим шароитларидан азият чекаётганликларини таъкидлаб, сафарбарликни тўхтатишни талаб қилишган.

“Кизелшахтстрой” трестида меҳнат қилаётган 172 нафар Ўзбекистон ва Қирғизистондан сафарбар қилинган ишчиларнинг 1942 йилнинг июн, август ойларида Молотов вилоятидаги Куйбишев шахталарига ўтказилади. Уралдаги ноқулай иқлим шароитларига мослаша олмаганликлари сабабли келиб чиққан муаммолар натижасида

сентябр ойида 22 нафар, октябрда 34 нафар, ноябрда 74 нафар ва қолган 42 нафари декабрда ўз республикаларига қайтариб юборилади. 1943 йилнинг 29 февралда расмийлаштирилган ҳужжатда бу ишчиларнинг очик кўмир конларининг ер усти қисмида ишлаганликлари, куз ва киш фаслида ишчилар совуқ шароитларга мослаша олмаганликлари қайд қилинган.[2;386-387]

Ишчиларнинг ўртача 48-52 ёшда бўлиб, аксариятининг бетоблиги иш режаларининг унумли бажарилмаслигига сабаб бўлган. Ваҳоланки, иш жойи турар жойларидан 400-600 метр узоқликда бўлиб, кунлик иш вақти 8 соатни ташкил қилган. Завод раҳбариятининг топшири билан барча ишчилар тиббий кўриқдан ўтказилган. Кўриқ натижаларига кўра 145 нафар ишчининг 5 нафаригина ишга яроқли топилган. Қолганларида эса тана аъзоларининг эзилиши, тошма, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, юрак етишмоқчилиги, туберкулёз, ревматизм, кам қонлик каби ўнлаб касалликлар аниқланган, уларнинг 61 нафари эса умуман ишга яроқсиз топилган.

1943 йилнинг 1 чорагида Молотов шахридаги №577-сон заводга (курол-аслаҳалар ишлаб чиқарилган – Х.Қ.) 400 нафар бухороликлар сафарбар қилинган. Улар 2 қаватли кароватлари бўлган 2 та ётоқхонага жойлаштирилганлар. Улар тўшак, ёстик, чойшаб, кўрпа, ичкйийим билан таъминланиб, келган илк кунлариданоқ тиббий кўриқдан ўтказилган. Кунига 2 маҳал овқатланиш ва чой ичишлари учун чойхона ҳам ташкил қилинган. Соғлиқ учун зарарли ишлар вақтида сут ҳам берилган. Ишчилар 8 – 11 соатли иш вақтида фаолият олиб боришлари қатъий белгиланган бўлиб, аксарияти намунали ва виждонан ишлашлари ҳужжатларда қайд қилинган. [2;398]

Молотов вилоятидаги Скальнинский шахталарида ишловчи меҳнат армиячиларининг овқатланишлари учун полиз экинлари ва чой таъминоти қоникарсиз эди. 88 нафар ўзбек ва қозоқ ишчилари овқатни умумий қозондан сузиб олиб, утар жойларига олиб бериб истеъмол қилишган, аммо, 2 та ошхонада ишчилар учун 10 дона ликош, 13 дона қошиқ, 8 дона вилка бўлган, холос. Шунга қарамасдан ошхона мутассадиларининг ишчиларга қўпол муносабат ва ҳатти-ҳаракатлари кузатилган. Ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳам тизимли йўлгк йилмаган бўлиб, нон ва гўшт Чусовадан, шакар Кизелдан, мойлар Молотов шахридан, тамаки эса Губахидан келтирилган.

Бунинг устига 1943 йилнинг 1 майига келиб озиқ-овқат таъминоти жуда қоникарсиз ҳолга келиб қолган ва бу ишчилар норозилига сабаб бўлган. Шунингдек, кийим кечак таъминотида ҳам узилишлар бўлиб, оғир ишлар учун умуман “маҳсус кийим”лар берилмаган, тўшаклар алмаштирилмаган, ҳатто ўзбеклар ва қозоқлар 1 та ҳаммомга боришган. Иш вақтининг 11 соатга ўтказилганлиги, юклаш ва тушириш ишларининг кўплиги иш ҳажмининг ўртача 43-60 фоизга етганидан дарак берган. Иш вақти 8 соатлигича қолдирилган қозоқлар эса режаларни 55-150 фоизга бажариб келганлар.[2;398-399]

Ўзбеклар ва қозоқлар овқат таъминоти талаб даражасида эмаслигидан норози бўлишган. Улар билан суҳбатда, аввалда ишлар режалар талаб даражасида бажарилган, аммо озуканинг камайтирилиши ва сифатсизлиги оқибатида иш унумдорлиги пасайган. Бундан ташқари, шахталардаги зах ва хаво етишмаслигидан ревматизм ҳамда нафас сиқилиши кассалиги кўпайган. Шунингдек, ишчилар озуканинг яхшиланиши, чойшаб ва тўшакларнинг янгиланиши, турар жойлардаги яшаш шароитлари ва тозаликнинг яхшиланиши, кийим-кечак таъминоти ҳамда ҳаммом куриб беришни талаб қилишган. [3;402-403]

Шунингдек, Молотов вилояти Нитва шахридаги ҳарбий аслаҳалар ишлаб чиқарувчи №54-сон заводда ишловчи 147 нафар ўзбекистонлик меҳнат армиячиларининг ҳам меҳнат ва яшаш шароитлари талаб даражасида бўлмаган. Бу ҳолатни вилояти ташкилий-йўриқ бўлими раҳбари Н.Д.Заленскийнинг 1943- йилнинг 15-май санасида ўтказилган йиғилишдаги ахборотидан билиш мумкин. Жумладан, ётоқхона ҳолати ва ишчилар фаолияти ўрганилганда сафарбар қилинган ўзбекистонликларга меҳнатига яраша иш ҳақи ажартиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ишчилар орасида техник ўқувларни ташкил қилиш, турар жойларни капитал таъмирлаш, қатъий назорат ўрнатиш, турар жойлар

32 ҳудудларида полиз маҳсулотлари (карам, қўзиқорин ва бошқа – Х.Қ.) етиштиришни йўлга қўйиш, ётоқхонада кутубхона ташкил қилиш, ўзбек, тожик ва туркман тилларида газеталар етказиш, меҳнатига яраша қўшимча овқат таъминотини яратиш, шунингдек моддий-маиший шароитларни яхшилаш лозим, деган хулосага келинган.

Молотов вилоятидаги №58-сон ҳарбий аслахалар заҳирасини яратиш корхоналарида ишловчи 400 нафар ўзбекистонлик ҳам ноқулай иқлим шароитларидан азият чекишган. 1943 йилнинг 1-чорагида ўпка шамоллаши, ич термала касалликлари туйфали 18 нафари вафот этган. (Умумий ишчиларнинг 4,5 фоизини ташкил қилган – Х.Қ.). 20 ишчи касаллиги туйфали ишга чиқа олмаган ва май ойига қадар 23 ишчи Ўзбекистонга қайтариб юборилган. [3; 418-419]

Умумий ҳолат қайта ўрганилганда ўзбекистонликлар учун турар жойларни таъмирлаш, шахсий буюмларни сақлаш учун жой ажратиш, кийим-кечак билан таъминлаш, кўрпа-тўшак таъминотини яхшилаш, тиббий хизматни яхшилаш, чойхоналар ташкил қилиш, полиз маҳсулотлари етиштириш ишларини йўлга қўйиш ва маданий-тарғибот тадбирларни янада жонлантириш бўйича таклифлар берилган.

Соликам шахридаги магний, калий ва №577-сон заводларига сафарбар қилинган Ўзбекистонликларнинг озиқ-овқат таъминоти ҳам талаб даражасида бўлмаган. Завод ишчилари овқат рациясида гўшт маҳсулоти қайд қилинган бўлсада, амалда умуман берилмаган. Гўшт ўрнига 800 граммдан 1 килограммга қадар нон берилган.

1943 йилнинг 26 июн ҳолатида Кизел шахридаги шахталарда яшовчи ўзбекистонлик меҳнат армиячиларининг ҳолати ўрганилганда, уларнинг яшаш ва меҳнат шароитлари учун қулайликлар яратилмаганлиги аниқланган. Ўтказилган йиғилиш баёни билан бир қатор таклифлар илгари сурилган. Жумладан, янги қабул қилинган ишчиларни ётоқ жойлари, тўшаклар ва кароватлар билан таъминлаш, маиший ва хўжалик таъминотини яхшилаш, Ленин, Володарский, “Комсомолец”, “Рудничный”, шунингдек №9-10, 24, 32, 33, 38, 39-сон шахталарда чойхоналар ташкил қилиш, ошхоналарда ўзбек миллий таомларини тайёрлаш учун имкониятлар яратиш, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ишчилар орасидан тарғиботчилар жамоасини шакллантириш, оёқ-кийим таъмирлаш устахоналарини очиш ва умуман ишчиларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш лозимлиги бўйича берилган топшириқлар шулардан иборат эди.

Шунингдек, 1943 йилнинг июл ойида Молотов шахридаги Калинин, Гремячинск, Чкалов номли шахта ишчиларининг ҳолати ўрганилганда ишчиларнинг ижтимоий-маиший таъминоти тўлиқ эмаслиги, турар-жой шароитларининг қониқарсизлиги, шахталарда чойхоналарнинг номигагина ташкил қилинганлиги, янги келган ишчиларни касбга ўргатиш ишлари сифатсизлиги, тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилмаганлиги, миллий тиллардаги матбуот ва адабиётлар билан таъминланмаганлиги ишчи гуруҳ қарори билан танқид қилинган.

Жанубий Уралнинг бир қатор корхоналарида сафарбар қилинган “меҳнат армиячилари”нинг кунлик таъминот меъёрлари совет-немислари меҳнат армиячилари ва маҳбусларининг таъминот меъёрларига мослаштирилган. Таъминланадиган таом нормаси кунлик режаларнинг бажарилиши фоизи билан белгиланган.

1942 йил 3 декабрда ГУЛАГ тизимида жорий қилинган “таомномага” кўра таъминот нормалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Жумладан, смена топшириғини 80 фоизгача бажарганлар учун №1-таъминот нормаси, яъни кунда икки марта (*эрталаб ва қечқурун*) таом ҳамда 500 граам нон; смена топшириғини 99 фоизгача бажарганлар учун №2-таъминот нормаси, яъни кунга уч маҳал (*эрталаб, тушликда ва қечқурун*) таом ҳамда 600 грамм нон; смена топшириғини 125 фоизгача ва ундан юқори бажарганлар учун №3-таъминот нормаси “қўшимча рағбатлантирувчи” таом ҳамда 700 грамм нон берилган. Режаларни 50 фоизгача бажарганлар учун 400 грамм ва “деярли бажармаганлар”га кунлик 300 грамм нон берилган. [4; 359]

Сафарбар қилинган меҳнат армиячиларининг “таомномаси” бироз ўзгача, яъни уларга нисбатан яхшироқ бўлган. Жумладан, Молотов вилояти Қуйбишев трести

шахталарида ишловчи ўзбекистонли ва қирғизистонлик ишчилар оширилган нормалар бўйича таъминланганлар. Кунига 800 грамм нон, 1 ой давомида 1,8 килограмм гўшт (ёки балик), 400 грамм мой, 400 грамм шакар, 1,2 килограмм макарон ажратилган. Бундан ташқари режаларни ортиғи билан бажарганликлари учун кунлик 200 грамм қўшимча нон олиш имкониятига эга бўлишган. [2; 387]

Хулоса қилиб айтганда, “меҳнат армиячилари” тоифаси 1946 йилда тугатилади ва улар иш жойларига доимий ишчилар сифатида қолиш имкониятига эга бўладилар. Умумий майдонда, гергرافик жиҳатдан таҳлил қилинадиган бўлса “меҳнат армиячилари” Урал саноат корхоналарида, Варкута ва Кузбасс шахталарида, Сибирдаги қурилишларда, русиянинг Шимоли ва узоқ Шарқидаги ўрмон саноатида, Архангелскдан то Чукоткагача бўлган ҳудудларда фаолият олиб борганлар.

XX асрнинг 90-йиллардаги ғоявий-мафкуравий қарашларда “меҳнат армиячилари” ижтимоий-иқтисодий мавқеъ жиҳатдан давлатнинг қуллари сифатида таърифланган. Ваҳоланки, улар ўзларини эркин шахс, ҳуқуқлари чекланган фуқаро деб билар эдилар. Аммо “иккинчи даражали” одамлар сифатида тарихда қайд қилинганлар. Аслида эса фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фидойилар сифатида таърифга лойиқ эдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибн Халдун. Муқаддима. – Тошкент: TRUST AND SUPPORT, 2024. – 400 .
2. Подвиг рабочих колонн. Правовое положение и деятельность трудомобилизованных в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. на примере Молотовской области. Сборник документов. Под редакцией С.В.Неганова. – Пермь: Уральский рабочий, 2021. – 616 с.
3. Трудомобилизованные из республик Средней Азии (Узбекская ССР, Казахская ССР, Киргизская ССр, Туркменская ССР, Таджикская ССР). 1942-1945 гг. // Подвиг рабочих колонн. Правовое положение и деятельность трудомобилизованных в годы Великой Отечественной войны 1941-1945 гг. на примере Молотовской области. Сборник документов. Под редакцией С.В.Неганова. – Пермь: Уральский рабочий, 2021. – 616 с.
4. Бердинских В. Спецпереселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – Москва: Новое литературное обозрение, 2005. – 768 с.